

## ИЖТИМОЙ ИШ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ: ТАРИХИЙ ЭКСКУРС, БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТ ВА КЕЛАЖАККА НАЗАР

Тургунов Нурмуҳаммад Собитович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти

**Аннотация:** Ижтимоий ишни инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни: тарихий экспкурс, бугунги кундаги ҳолат ва келажакка назар ижтимоий фаолият тури сифатида яхлит тушуниш зарурати асосланади. Ижтимоий иш тадқиқотида амалга оширилган ижтимоий-фалсафий ёндашув, муаллифнинг фикрича, унинг яхлит назариясини асослаш ва шу орқали амалиётни ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бэриши мумкин.

**Калит сўзлар:** ижтимоий иш, ижтимоий иш назарияси, билиш, ижтимоий-фалсафий ёндашув.

Ижтимоий иш ходими жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларга, одамларнинг ўзаро муносабатларидағи муаммоларни ҳал этишга, шунингдек, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, имкониятлари чекланган аҳоли қатламига ёрдам беришдир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ гуруҳга кўмаклашиш ижтимоий ишнинг негизини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий иш соҳасини янада чуқур ва мукаммал ўрганишга даъват этади. Жамиятимиз учун янги бўлган ихтисослик ва профессионал фаолият ҳисобланган ижтимоий ишнинг шаклланиши, уни назарий жиҳатдан англашга нисбатан долзарблигини янада кучайтиради. Профессионал фаолиятнинг бир тури сифатида ижтимоий иш ва хизмат бир асрдан зиёд тарихи даврида улкан империк материаллар тўплади. Ижтимоий иш соҳаси тарихини ўрганиш, уни назарий тушуниш, умумлаштириш ва тизимлаштириш унинг самарасини ва натижавийлигини ошириш республикамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги учун янги истиқболларни очиши шубҳасизdir.

Республика ҳукумати ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва уни халқаро андозалар даражасига кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Бу ўз навбатида профессионал кадрларни талаб этади. Ижтимоий иш соҳасига талаб минглаб йиллар аввал вужудга келган бўлсада, бироқ, бу соҳа мутахассисларини маҳсус тайёрлаш XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатларининг биринчи саноат инқилоблари содир бўлган худудларида ривожлана бошлади. Чунки саноат инқилоблари натижасида жамият ижтимоий ҳаётида кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқсанлиги ижтимоий иш соҳасини касбий фаолият сифатида ривожланишига сабаб бўлди. Собиқ Иттифоқ

ўзининг инсонпарварлиги билан ҳар қанча мақтанса ҳам, амалда инсонпарварлик яққол намоён бўладиган соҳа – ижтимоий иш соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратилмади. Бунинг оқибатида қўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифати бўйича шўролар тузуми ва унинг харобаларида вужудга келган мамлакатлар Ғарб мамлакатларидан анча орқада қолиб кетди.

**Ижтимоий иш этикаси** фан сифатида этика билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқ мураккаб ва қўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли у кўпгина фанлар томонидан ўрганилади.

Ахлоқни тадқиқ қилиш доираси кенгайиб борган сари бу соҳада фаннинг янги йўналишлари ҳам кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда улар қаторида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: билан алоқаси қадимий ва ўзига хос.

*эстетика* – Аввало, инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини ўрганадиган фан;

*социология* – инсонларнинг оммавий ҳатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади;

*ҳуқуқшунослик* – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўрганадиган фан;

*педагогика* – шахсни тарбиялаш, таълим беришга йўналтирилган фан;

*психология* – кишилар ҳатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади.

Ҳам касб ва ҳам фан сифатида ижтимоий иш интеграл хусусиятга эга. Ижтимоий иш пайдо бўлган даврдан бошлаб бу иш билан педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар шуғулландилар, ижтимоий иш фаолияти турли илм соҳалари туташган жойда юзага келади.

Ижтимоий иш фаолияти психологлар, социологлар, педагоглар, тиббиётлар ходимлари, ҳуқуқшунослар, файласуфлар, шунингдек, эҳтиёжманларга ёрдам кўрсатишнинг турли жиҳатларини тадқиқ қиласидиган бошқа соҳа вакиллари саъй-ҳаракати туфайли юзага келади. Жумладан, ушбу фаолиятда психологларни инсон шахси муаммолари, педагогларни уларнинг тарбияси муаммолари, социологларни ижтимоий тузилма муаммолари, ҳуқуқшуносларни муҳтожларга ёрдам кўрсатишнинг қонуний асослари, файласуфларни эса унинг энг умумий муаммолари қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда, у комплекс дастурларни ҳал қилишда турли соҳа вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни назарда тутадиган соҳаларро фаолиятни назарда тутади.

Тарихан ижтимоий иш инсонлар ва инсонлар гурӯҳлари ўртасидаги адолатсизликлар билан ишлашга тўғри келган. Ижтимоий иш инсонпарварлик ва демократик ғоялар асосида ривожландики, уларга амал қилиш, уни камситишлар

ва ресурсларнинг адолатсиз тақсимотига қарши кураш сари бошлайди. Мазкур асосий жиҳат – адолатсизликка қарши кураш ва демократик ғояларни илгари суриш – ижтимоий иш ходими Ахлоқ Кодексининг бир қисмини ташкил этади.

Ижтимоий иш инсонга ҳам, унинг эҳтиёжлари қондиришга атрофдагиларнинг муҳим амалиёт касб этишини эҳтиборга олган холда атрофдагиларга ҳам йўналтирилган бўлади. Ижтимоий иш ходимлари нафақат алохида одамларга кўмак беради, балки кенгроқ, глобал даражада ҳам ўзгаришлар ясашга интиладилар. Республикаизда олиб борилаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сиёсати ўз навбатида ижтимоий ишчи ходимларига бўлган талабни юзага келтиради ва бунинг мобайнида бу соҳа вакилларига бир қатор масхулиятли вазифаларни юклайди. Жамиятнинг ривожланганлик даражаси одатда жамиятдаги кексалар ва болаларнинг аҳволига, уларнинг ўзини қандай ҳис этишига, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ бўлган барча одамлар тоифасига давлатнинг қандай муносабатда бўлишига қараб белгиланади. Ижтимоий заиф кишиларга, яъни кексалар, ногиронлар, ёлғиз, ночор кишилар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ёрдам бериш жамиятнинг юксак маънавияти ва маданийлигидан далолат беради.

Яқинларига ёрдам бериш, ҳамдард бўлиш ва хайр-эхсон қилиш азалдан турли мамлакатлар халқларига хосдир. Ушбу фазилатлар Ўзбекистон халқига ҳам хос бўлиб, миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларнинг асосини ифодалайди. Уларни эса асрар ва ривожлантириш зарур. Бу одамлар, айниқса ёшлар онгига инсонпарварлик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш зарурлиги билан узвий боғлиқ янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш босқичига чиққан бир паллада айниқса муҳимдир. Мамлакатни ислоҳ қилиш, бозор муносабатлари қарор топаётган шароитларда жамиятдаги ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш сифатида тушуниладиган миллий-давлатчилик манфаатлари устуворлиги миллий мустақиллик мафкураси шиорига айланмоқда. Жамиятнинг барча қатламлари ижтимоий бирдамлиги ва жавобгарлиги бунга эришишнинг зарур омили ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикада ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш фаолияти турли соҳа мутахассислари - социологлар, психологлар, педагоглар, ҳуқуқшунслар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари томонидан амалга оширилмоқда.

Бугунги қунда мамлакатимизда инсон омили биринчи навбатда эътибор қаратилаётган даврда ижтимоий иш шарафли соҳа бўлиб қолмоқда, зеро унинг марказида инсон манфаатларига қаратилган касбий фаолият ётади. Ижтимоий иш ходими профессиограммасида ана шу касбий фаолиятнинг умумий хусусиятлари ўз ифодасини топади.

Мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий иш ходимлари

профессиограммасида ижтимоий иш ходимлари учун қўйиладиган намунавий талабларни юқори даражада англаса, ўз қобилиятлари, имкониятлари ва тажрибасига мос тушадиган ўз касбий малакасининг маълум бир вариантини шакиллантириб бориш имкониятига эга бўлади. Айнан мана шу нарса ижтимоий иш ходимининг ўз касбий малакасини вужудга келтиришнинг фаол субъектига айлантиради. Шундан келиб чиқиб, у ўзини ўзи бошқариш ва тартибга солиш, касбий ўсиш учун мотивацияга эга бўлиши, префессионализмнинг юқори даражаларига интилиши каби сифатларини шакллантиради. Умуман олганда ижтимоий иш ходими фақатгина янги касбий билимлар эгаси бўлибгина қолмай, касбий шаклланиш жараёнининг субъектига айланади.

**Хулоса:**

Аҳолининг турмуш даражасини тартибга солишга доир ижтимоий сиёsat ҳозирда етарли даражада самарали эмас. Унинг асосий камчилиги, Г.Э. Пляскина қашшоқликни кэлтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишга эмас, балки уларнинг оқибатларини бартараф этишга ёки юмшатишга қаратилганилигидир. Мэхнат фаоллигини раг‘батлантирадиган ва аҳоли ўртасида қарамликни бартараф этувчи шарт-шароитларни яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини кучайтириш, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини тўлиқроқ акс эттирувчи мэ’ёрий хужжатларни ишлаб чиқиш, ижтимоий сиёsatни амалга ошириш зарур. турмуш даражасининг пасайишининг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш (девиант хатти-ҳаракатлар, жиноятлар).

**Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ким Л. На пути к решению кадровых вопросов в системе социальной защиты детей: организация курсов переподготовки по социальной работе в Ўзбекистане /Материалы Международного форума «Инклюзивное образование и современные тенденции в развитии форм социальной поддержки детей». 28-29 октября 2019г

2. Мёрфи Т. Развитие социальной работы в Ўзбекистане в международном контексте / Материалы Международного форума «Инклюзивное образование и современные тенденции в развитии форм социальной поддержки детей». 28-29 октября 2018 г. -

3. Хрестоматия по учебному курсу «Основы социальной работы». Распространение программы переподготовки по социальной работе и продвижение профессии «социальная работа» в Ўзбекистане». / Составители: М.Х. Ганиева, М.Х. Карамян. - Ташкент: МинВУЗ-РЦСАД- ТашГИК-ЮНИСЕФ, 2008.